# АКЦИЯДАН КЕЛГАН ДАРОМАД

. «Андижондонмаҳсулот» давлат ҳиссадорлик уюшмаси бошқаруви раиси Маматисоқ ҒАФУРОВ ҳикоя қилади

— Нон — инсониятнинг буюк кашфиётларидан бири. Бу неъматга халқимизнинг ҳурмати беқиёс чексиз. Авлоддан авлодга ўтиб келаётган бир анъана борки, ноннинг ушоғини ердан олиб кўзимизга суртамиз. Халқимиз юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда ғалла мустақиллиги учун бошланган курашни дил-дилдан қабул қилганлигининг боиси ҳам шунда. Уюшмамиз тасарруфидаги бешта корхона ҳамда тўққизта дон қабул қилиш пунктлари жамоалари ўз ишларини ғалла мустақиллиги учун бошланган кураш шарофати ила янгича нигоҳ билан қайта қурмоқдалар.

Уюшмамиз жамоаси бозор муносабатлари шароитида қийинчиликларни изчиллик билан енгиб ўтишга интилмоқда. Андижондаги бош корхона билан бир қаторда Асака ва Қўрғонтепада замонавий технологияга асосланган йирик корхоналар мавжуд. 1995 йили уюшма бўйича хўжаликлар ва фермерлардан 137 минг тоннадан зиёд дон қабул қилиб олинди. Ғалла қайта ишланиб, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга ҳамда аҳолига етказиб бериляпти.

Бозор муносабатлари шароитида уюшмамизда ҳам мулкчиликнинг нодавлат усулларини қарор топтириш тадбирлари кўрилмоқда. Етакчи корхоналарда пайчилик ҳаракати йўлга қўйилди. Хўш, бугунги кунда янги усулда ишлаш одамлар онгида қандай кечаяпти? Биргина бош корхона мисолида оладиган бўлсак, 1995 йил якунига кўра 13 миллион 875 минг сўм фойда кўрилди. Унинг 3 миллион сўми акциядорларнинг умумий йиғилишида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ажратилди. Қолган ўн миллион 875 минг сўм акциядорларга тўланадиган бўлди. Яъни 200 сўмлик битта акция ҳисобига 176 сўмдан даромад тақсимланди.

Бу жамоада ҳиссадорлик жамиятига ўтилгандан кейин биринчи йилнинг ўзида ана шундай даромад олинди. Бош корхонадаги 462 нафар акциядорнинг ҳаммаси йил натижасидан мамнун бўлишди. Бундай хурсандчилик замирида янада унумли ишлашга бўлган интилиш мужассамдир. Ҳар бир кишининг онгида мулкка бўлган эгалик ҳисси шаклланиб бораяпти.

Умуман олганда бош корхонада эркин савдога 18 минг 99 та акция чиқарилганди. Уларнинг ҳаммасини шу корхонада ишлаётган одамлар сотиб олишди. Тўғри, дастлабки пайтда жамоада айримларнинг акция сотиб олишга имконияти йўқлиги маълум бўлиб қолди. Шунда кенгашли тўй тарқамас деган нақлга биноан умумий йиғилиш чақирилиб, имконият йўқларга акция сотиб олиш учун корхона ҳисобидан қарз беришга келишиб олинди. Чунки жамоада барча акциядор бўлсагина ишнинг пировард натижаси учун бўлган масъулият ортади. Корхонада ўн беш йил ва ундан ортиқ вақт давомида меҳнат қилиб, нафақага чиққан ҳамда узоқ йиллардан буён ҳалол ишлаб келаётган кишиларга 1101 та акция имтиёзли берилди.

Шу ўринда акциялар манфаатдорликни ошираётганлигига бир неча мисол келтирайлик. Технолог Тоҳиржон Юсупов ўтган йили икки бор мукофот пули олганди. Ана шу рағбатлантириш пулига ва жамғарган маблағи ҳисобига 26 та акция сотиб олди. Ҳар бир акция ҳисобига 176 сўмдан даромад кўрган Тоҳиржон Юсуповнинг бу янгиликдан кўнгли чоғ. У акциянинг қўшимча даромад манбаи эканлигини бир йилдаёқ сеза олди. Созловчи Қаҳҳоржон Абдуллаев, лаборатория ходими Маҳфузахон Ёқубова каби акциядорлар ҳамкасбдошлари, таниш-билишлари билан мулоқотларида дастлабки пайтда иккиланганликларини таъкидлашиб, мулкчиликнинг янги шакли жуда яхши эканлигини завқ-шавқ билан гапириб бермоқдалар. Ҳа, бу ердаги ҳар бир ишловчи акция бирни икки қилишини амалда кўрди.

Олдинлари бу корхонада ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ҳеч қачон 3 миллион сўм ажратилмаган эди. Энди бу маблағга янги технология ускуналари сотиб олинади. Демак, бу билан ишлар янада юришиб кетади. Умуман олганда уюшмамизнинг барча корхоналарида акцияга нисбатан ишонч тобора ортиб бораяпти. Италия технологияси асосида макарон ишлаб чиқарувчи қўшма корхона барпо этилмоқда. Бино тахт, ҳадемай технологик жиҳозлар ўрнатила бошланади. Мустақиллигимизнинг беш йиллигига муносиб туҳфа сифатида андижонликларга қадоқланган макаронларни тақдим этишни кўзлаяпмиз.



Уюшмамиз таркибидаги «Ризқ» ҳиссадорлик жамияти нон ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш билан бир қаторда унинг сифатини яхшилашга эътиборни қаратмоқда. Андижон шаҳрининг ўзида Германия технологиясида нон ишлаб чиқарувчи бир неча муъжаз цехлар ташкил этилди. «Винклер» фирмасининг бу технологияси бўрсилдоқ нон тайёрлаш имконини бермоқда. Шу йилнинг ўзида яна тўрт жойда бундай цех маҳсулот бера бошлайди. Бу билан янги иш жойлари ҳам юзага келаётганлиги қувончлидир.

Яқинда «Ўздонмаҳсулот» давлат ҳиссадорлик корпорацияси Фарғона водийсидаги турдош корхоналар ўртасида сифатли нон тайёрлаш бўйича танлов ўтказди. Бу танловда андижонлик қўли гул новвойларимиз пешқадам бўлишиб, республика беллашувида қатнашишга йўлланма олдилар. Бу мисолларни бежиз келтираётганимиз йўқ. Ҳар бир янгиликни ишлаб чиқаришга далиллик билан жорий этишга иштиёқ кучайиб бораётган экан, шубҳасиз бунда мулкка эгалик ҳиссининг ортиб бораётганлиги яққолроқ намоён бўлади.

Ҳадемай ғалла ўрим-йиғим мавсуми бошланади. Андижонда шундай бир ажойиб анъана бор: ҳосил саранжомланаётган тиғиз паллада хом ашёни қайта ишловчи корхоналар билан хўжаликлар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик кенг йўлга қўйилади. Бундан кўзланган мақсад икки томоннинг ҳам иши юришсин.

Ўтган хўжалик йилида 52 минг гектар ердаги бошоқли ғалла саранжомланганди. Бу мавсумда шундай майдонлар 80 минг гектарга етди. Ғалла қабул қилиш пунктларининг ходимлари ишни ана шу ўсиш миқёсидан келиб чиққан ҳолда олиб бормоқдалар. Жойлардаги барча дон қабул қилиш пунктларида тайёргарлик ишлари ўтган кузданоқ бошлаб юборилганди. Жумладан, Қўрғонтепа ва Асака дон қабул қилиш пунктларида 10 минг тонна ғаллани сақлайдиган айвонлар қурилди. Жалолқудуқда механизациялашган юклаш-тушириш линияси созланди. Ҳамкорлик асосида Россиядан 10 дона «КШП» маркали юклагичлар олиб келинди. Тош-тарозилар, лаборатория асбоб-анжомлари давлат синовидан ўтказиб қўйилди. Бир сўз билан айтганда 177,5 минг тоннадан зиёд ғаллани узлуксиз қабул қилиб олиш учун шароит яратилди. Вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳи тайёргарликни синчиклаб назоратдан ўтказиб, яхши баҳолади.

Президентимиз И. А. Каримов қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи тармоқларни вужудга келтириш зарурлигини бир неча марта алоҳида таъкидладилар. Икки йилдан буён уюшмамизда аҳоли томорқасида етиштирилган ғалла қабул қилиниб, ун тайёрлаб бериш борасида яхши тажриба қўлланилмоқда. Бу мавсумда эса тайёрловчиларимиз хизмат кўрсатишнинг янги турларини қўллайдилар. Уюшма қошида хўжаликларга хизмат кўрсатиш учун комбайн парки вужудга келтирилмоқда. Ҳозиргача 10 та «Енисей»маркали комбайн олиб келинди. Ҳадемай яна 6 таси етиб келади. Бундан хабардор бўлган фермерлар уюшманинг жойлардаги бўлинмаларига буюртмалар бера бошладилар. Бундан ташқари ғалла ўрим-йиғими жадал ташкил этилишини кўзлаб 160 та юқори қувватли аккумуляторлар олиб келинди.

Корхоналаримиз фаолиятига иқтисодий жиҳатдан ёндошадиган бўлсак, моддий манфаатдорлик яхши йўлга қўйилганлиги барча ютуқлар негизи бўлаётганлигига ишонч ҳосил қилинади. Уюшманинг ёрдамчи хўжалиги ҳам мулкчиликнинг янги шаклига мувофиқ равишда ривожлантирилаяпти. Бу ерда 450 бош қорамол, 200 бош қўй боқилмоқда. 50 гектар ердан унумли фойдаланиш тадбирлари кўриляптики булардан барча тенг манфаат кўриши диққат марказида турибди. Мана шундай муносабат эса пировард натижада барчани янада унумли ва сифатли ишлашга ундайверади. Дастлабки пайтда акция сотиб олишга иккиланган одам ҳозир қўшимча равишда харид қилишга интилаётганлиги эртанги кунга ишончининг ортаётганлигидан далолатдир.

*Суҳбатдошлар:*
*С. САЙДАЛИЕВ,*
*Қ. АСҚАРОВ,*
*«Қишлоқ ҳаёти» мухбирлари.*

## Ризқ-рўз сарчашмаси



*Фасллар сарвари — баҳор чорвадорларни яна бир бор имтиҳондан ўтказди. Масъулиятли палла — қўзилатиш мавсумини муваффақиятли якунлаган яйлов дарғалари шу кунларда ўз отарларидаги қўй-қўзиларни янада яйратиб боқиш мақсадида ўт-ўланларга бой қир-адир ва тоғ этакларини макон тутмоқдалар. Термиз туманидаги «Янгиариқ» жамоа хўжалиги қўйчивонлари ёз мавсумини Боботоғ этакларида ўтказишга аҳд қилишди. Сабаби бу ерда қўй-қўзилар яйрайди, этига-эт қўшилади. Чунки Боботоғ кенгликларида табиий ўт-ўланлар мўл, чорвани яйратиб боқиш учун шароит етарли.*

*— Кўкламги мавсумда отарларимизга отарлар қўшилди, — дейди хўжалик бош чўпони Ўктам Усмонов. — Хўжалигимиз бўйича совлиқлардан 4 минг 800 қўзи олинди. Шунинг 3 минг бошдан зиёди ўстиришга қолдирилди. Улар дуркун ва соғлом ўстирилмоқда.*

**СУРАТДА: илғор чўпон Ў. Усмонов яйловда. И. ХЎЖАЕВ олган сурат (ЎзА).**

## Такрорий экиндан — юқори ҳосил олиш омили

Ғалла йиғиштириб олингандан кейин суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш мақсадида такрорий экинлар экиб, юқори ҳосил олиш имконияти тажрибада исботланган.

Ўтмишга назар солсак сувли ерларда буғдой ва арпа ўрнида донли экинлардан шоли, маккажўхори, оқ жўхори, шунингдек, сабзавот, картошка, дуккакли ўсимликлар, хашаки экинлар, ҳатто пахта етиштириб келингани маълум.

Кейинги йилларда кўплаб хўжаликларда катта-катта майдонларда маккажўхорини дон ва кўк поя учун экиб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Чиноз туманидаги Навоий номли жамоа хўжалигида тезпишар маккажўхори дурагайи такрорий экин сифатида ўстирилиб, гектаридан 35 центнердан дон олинди. Ўзбекистон механизация ва электрлаштириш илмий тадқиқот институтининг марказий тажриба хўжалигида ғалладан кейин 40 гектар майдонга «Эртаги-90» маккажўхоридан гектаридан 211 центнердан сўтали кўк поя етиштирилди.

Бу йил ғалладан бўшаган асосий майдонларга дон ва кўк поя учун маккажўхори экиш мўлжалланмоқда. Шунинг ҳисобига чорва озуқасига бўлган талаб қондирилиши кўзда тутилмоқда. Маккажўхоридан мўл ҳосил етиштириш учун такрорий экинларга ажратилган ерларни аниқлаб, ғалласини тезроқ йиғиштириб олиш, ерни экишга сифатли тайёрлаш, юқори ҳосилли, тезпишар дурагай навлар уруғларини қулай муддатларда қадаш, тупроқнинг ўз намига ундириб олиш даркор. Шунингдек, экинларни минерал ўғитлар билан етарли озиқлантириш, агротехник тадбирлар вақтида ўтказилса, суғорилса, кўзланган мақсадга эришилади.

Маълумки, бошоқли ғалланинг пишиш даври бу йил бироз кечикмоқда. Бу ҳол маккажўхори экишни қисқа муддатларда ўтказишни талаб этади. Ғаллани эртароқ йиғиштириш мақсадида донни мум пишиш даврида алоҳида-алоҳида усулда жаткалар билан ўриш керак. Кейин ғарамчалар қилиб 2-3 кун ўтгач, комбайнлар ёрдамида ёки алоҳида хирмонларга келтириб янчилганда далалар бир ҳафта эрта бўшайди.

Ерга ишлов бериш тупроқ шароитига қараб ўтказилиши даркор. Биринчи жараёнда пайкаллар бўшагандан кейин пешма-пеш 20-22 см чуқурликка ҳайдалади, оғир бороналар билан қўшимча ишлов бериб, текисланиб, тайёрланган, нами сақланган тупроққа экилган маккажўхори тез униб чиқади. Иккинчи усул — ғаллазорлардан бўшаган майдонларни ҳайдамасдан саёз ва енгил ишлов бериб тупроқни экишга тайёрлаш ҳам яхши натижа беради. Бунда культиватор, плоскорезлар ва бошқа техника воситалари ёрдамида тупроқ 14-16 см чуқурликда юмшатилиб, текислангач, уруғлик заминга қадалади. Тупроқ бу усулда тайёрланганда нам яхши сақланади. Шу боис уруғ ернинг ўз намига униб чиқади ва тўлиқ кўчат таъминланади.

Шуни таъкидлаш керакки, такрорий маккажўхори донининг пишиши учун, уруғ униб чиққандан кейин камида 100-110 кун вегетация даври талаб этилади ҳамда етарли, самарали иссиқликни олади. Мана шуларни ҳисобга олган ҳолда такрорий маккажўхори экишни марказий вилоятларда узоғи билан июль ойининг иккинчи ўн кунлигида тугаллаш зарур. Дон етиштириш учун маккажўхорини районлашган «Эртапишар», «Ўзбекистон 306МВ», «Эртаги-90» ва четдан келтирилган бошқа дурагайларни биринчи бўғинли, юқори синфли уруғликларни экиш тавсия этилади. Уруғлик миқдори гектарига 22-25 кг миқдорида 4-5 см чуқурликда жойлаштирилади.

Дон учун етиштириладиган маккажўхорида ниҳоллар сони гектарига 65-70 мингта бўлиши мақсадга мувофиқдир. Экиш билан бирга ёввойи ўтларга қарши тавсияда кўрсатилган гербицидлардан фойдаланиш ҳам яхши натижа беради. Маккажўхорининг маҳаллий ва минерал ўғитларга талабчанлигини ҳисобга олиб, ривожланиш даврида 4-5 ва 8-10 та барг чиқарганда озиқлантирилса, юқори ҳосил олинади. Минерал ўғитларнинг миқдори гектарига азот — 140-150 кг, фосфор 60-70 кг ва калий 50-60 кг соф ҳолида озиқлантирилади. Озиқлантирилиши биланоқ нормада суғорилишини таъминлаш зарур. Маккажўхори гуллаш ва ҳосил тўплаш даврида ҳаво қуруқ ва иссиқ бўлади. Шу даврда яхши чангланиши учун намлик миқдори 80 фоиздан кам бўлиши жоиз. Алоҳида микроиқлим ташкил қилиш учун экинни тез-тез суғориб туриш зарур. Маккажўхори ўстирилаётган далаларда шу пайтда айниқса ёввойи ўтлар кўпаяди. Уларни кечиктирмай ўтоқ қилган маъқул.

Маккажўхори кўк пояси етиштиришда дон учун қабул қилинган технология ва тавсияномалар асосида парвариш олиб борилади. Бунда кечпишар БЦ-6661, «Ватан», ДПГ-70 ва бошқа дурагайлар билан бирга «Ўзбекистон кремнийи» ҳамда бошқа районлашган навларни ҳам экса бўлади. Экиш миқдори дон учун белгиланганга нисбатан 10 фоиз кўпайтирилади. Ниҳоллар ҳам шу миқдордан ортиқ бўлади. Такрорий маккажўхори шу усулда етиштирилганда, сўтаси тўлиқ, мум пишишида оқсил ва бошқа керакли моддаларга бой бўлади. Тавсия этилаётган усулларда етиштирилса, гектаридан камида 40-50 центнердан дон, 250-300 центнердан сўтали кўк поя олиш мумкин.

*Ғафур ОТАБОЕВ,*
*ЎзҚХФА илмий котиби.*

# ХАРИДОРГИР ТОЛА

Янгийўл пахта тозалаш заводининг 500 кишилик меҳнат жамоаси ўтган йили қабул қилиб олинган хом ашёни нестнобуд қилмасдан қайта ишлаш жараёнини имкон қадар тез ва соз ниҳоясига етказиш учун астойдил тер тўкмоқда. 1995 йили қад ростлаган 26,6 миннг тонналик улкан оқ олтин хирмонининг таги кўриниб қолди. Эрта-индин хом ашё ҳам тугайди. Олдинда эса навбатдаги тадбирлар мажмуи жамоанинг қўли бўшашини кутиб турибди. Пахта пунктларини 1996 йилги ҳосилни қабул қилиб олиш ва сақлашга тайёрлаш, ишлаб чиқариш цехларидаги агрегат ва ускуналарни кўздан кечириб чиқиш, созлаб мавсумга ҳозирлаш ишчилар, инженер-техник ходимлар олдида ижросини кутиб турган юмушлардан айримлари холос.

Пахта тозалаш саноати корхоналари учун ҳам асосий мезон пировард натижадир. Хом ашёдан ажратиб олинган тола, линт, чигит миқдори ва сифатига қараб меҳнат жамоаси фаолиятига баҳо қўйиш мумкин. 1996 йилнинг дастлабки тўрт ойида янгийўлликлар режадаги 3485 тонна ўрнига 3559 тонна тола ишлаб чиқаришди. 280 ўрнига 292 тонна линт ажратиб олинди. Хом ашёни қайта ишлашдан ҳосил бўлган чигит ҳажми 6520 тоннадан ошди ёки режа 101,1 фоиз қилиб бажарилди. Ҳар тонна пахта 1,3 фоиз сифатли тола берди. Ўтган йилнинг шу даври билан таққослаганда хом ашёни қайта ишлашнинг ўсиш суръатлари 129 фоизни ташкил қилди. Корхонанинг ҳар бир инженер-техник ходими самарадорликни оширишга муносиб улуш қўшмоқда.

— Корхонамиз тамғаси билан чиқаётган тола тойларининг харидори бутун Европа мамлакатларидир, — дейди биз билан суҳбатда бош инженер Беҳзод Абдусаломович Турсунов. — Маҳсулотимиз энг ривожланган мамлакатларга манзур бўлмоқда. Демак, унинг сифати яхши. Акс ҳолда ҳар қандай маҳсулот сифатига ўта талабчан европаликлар юз-хотир қилиб ўтирмасдан эътирознома ёзишган бўлардилар...

Корхона ҳовлисида узоқ Европа мамлакатларига тегишли оғир юк ташувчи вагондек узун автомашиналарга тола ортилмоқда. Шу кунгача Германияга 300, Польша мамлакатига 250, Италияга 250, Швейцарияга 200, Бельгияга 150, Англияга 150, Венгрияга 100 тонна тола ортиб жўнатилган.

Корхона жамоаси пахта хом ашёсининг бир мисқолини ҳам нест-нобуд қилмасдан қайта ишлаб яхшигина даромад қилаяпти. Ўтган йили 1.210 минг сўм фойда олинганди. Бу йилги режа ҳам ундан кам бўлмайди. Корхона маъмурияти ва касаба уюшмаси ўзаро келишиб тузилган шартномага кўра ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан бирга ишчи-хизматчиларга салмоқли маош тўлашади, уларнинг унумли ишлашига, саломатлигини мустаҳкамлашига қулай шароит яратиб беріляпти. Одамларнинг турар-жой ва маиший аҳволини яхшилаш масаласи ҳамиша диққат марказида. Ўтган йили олинган соф фойда ҳисобидан иккита 48 квартирали уй тикланди. Яқинда уларга оилалар кўчиб ўтишди. Корхона ҳудудидаги дўконга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини келтириб, арзон баҳоларга сотиш мунтазам йўлга қўйилган. Ишчилар ойига икки марта тиббий кўрикдан ўтадилар. Уларнинг 150 нафар жажжи фарзандлари болалар боғчасида тарбияланмоқда. Мактаб ўқувчилари эса сўлим оромгоҳларга жўнатилмоқда. Корхона ихтиёрида 2 та дам олиш зонаси ишлаб турибди. Уларнинг бири Сирдарё соҳилида жойлашган. Юксак даражада ташкил этилган маданий-маиший хизмат, ижтимоий ҳимоя, яхши ҳордиқ ишчи-хизматчиларни кўтаринки кайфият билан самарали меҳнат қилишга, жаҳон бозорида харидорга манзур бўладиган сифатли тола ишлаб чиқаришга илҳомлантирмоқда.

*Баҳром ҚАҲҲОРОВ.*
*«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.*

# УВОЛИ КИМНИНГ БЎЙНИДА?

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар босқичма-босқич амалга ошмоқда, мулкчиликнинг турли шакллари таркиб топаётир. Бозор шароити одамларда мулкка бўлган муносабатни ўзгартирди. Чунки у хоҳ хусусий, хоҳ жамоанинг мулки бўлсин барининг ўз эгаси бор. Кўпнинг мулкига бепарво бўлиш, уни увол қилиш, совуриш кечирилмас жиноятдир.

Минг афсуски, баъзан ислоҳот талабини англаб етмаётган раҳбар ва мутахассислар ҳали ҳам учрайди. Улар гўё илгаригидек ҳаммаси шундай давом этаверади деб ўйлашади. Кетса мендан кетибдими дея жамоа, эл-юрт мулкига юраклари ачишмайди. Масъулият, диёнат, жавобгарлик тушунчалари улар учун бегона.

Сирдарё туманидаги Жуман Маманов номли жамоа хўжалиги қорамолчилик фермасига кирган одам қаровсиз қолдирилган, хароба молхонага келгандек ҳис этади, ўзини. Кираверишдаги супада ўтирган икки йигитдан бошқа ҳеч ким йўқ. Дарвоза ёнидаги махсус чуқурлик қуп-қуруқ. Аслида унда трактор ғилдиракларини дезинфекцияловчи дори қўшилган сув бўлиши керак.

Мазмунан яқин орада бу ердан на раис, на бошқа бирон мутасадди келиб хабар олмаган.

Туман ҳокимининг муовини Бахтиёр Умматқулов ҳамроҳлигида ферма айланамиз. Молхоналар бўм-бўш тозалаб қўйилмаган. Баҳор ўтиб ёз бошланган бўлса-да, моллар очиқда сақланадиган жойдаги уйилган гўнгтепалар чор-атрофида дайдиб юрибди. Жониворларнинг кўпи қари, ориқ. Айни емиш мўл бўладиган паллада охурлар бўм-бўш. Молларга эрталаб ем берилганми-йўқми номаълум. Уларнинг очиққани шундай билиниб турибди. Ферма мудири эса хотиржам.

— Қанча бош қорамол бор?

— 170 бош, — деди ферма мудири Ашırбек Мавлонов. — Шундан 147 боши сигир. Йил бошида 299 бош эди. Ориқлари, касалга чалинганларини гўштга топшириб юбордик. Қолгани шулар.

99 бош мол касалга чалиниб, ориқлаган. Улар сўйишдан бошқа илож қолмаган. Гўштга топширилган қорамолларнинг аксарияти бузоқлар бўлган. Парваришлашнинг иложи топилмаган. Ҳўш, бунга нима сабаб? Наҳотки, тармоқ шу ҳолга келгунича раҳбарлар лоқайд тураверишди? Ёки эрта-индин ферма сотилади, бизга нима ғам, деб юраверишганми? Эҳтимол, ферма ўз эгасини топгунича кимлардир шахсий манфаатини устун қўйгандир, фурсатдан фойдаланиб қолгандир.

Бундай дейишимиз боиси гўштга топширилганидан ташқари 40 бош жонивор мажбурий сўйилган. Ҳар бир молнинг ўртача тирик вазни 235 килограммни ташкил этган.

— Бир кунда бир сигирга қанча озуқа бирлиги едириляпти? — сўрадик ферма мудиридан. — Озуқа таркиби нималардан иборат?

— Тўққиз тонна едираяпмиз.

Тўққиз тонна ,нима? Ана, чорвадор-мутахассиснинг жавоби. Жонивор озуқаси ҳақида тушунчага эга бўлмаган мудирдан яна нима кутиш мумкин. Раис-чи, у қаёққа қараяпти. Бутун хўжаликка, жумладан фермага ҳам биринчи жавобгар шахс ўзи-ку! Чорвадан кундан-кун барака кетиши нега безовта қилмайди уларни?

— Раҳбар бўлиб келганимга энди саккиз ой тўлди, — дейди Жуман Маманов номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Жамолиддин Исроилов. — Қишловга жуда оз емиш жамғарилган экан. Қаҳратон кунлари озуқадан жуда қийналдик.

Хўп яхши, у киши келганига саккиз ой бўлибди. Қишловга ҳозирлик кўришда иштирок этмаган. Октябрь ойида озуқа экинлари асосан ўриб-йиғиб олинади. Лекин нима учун қишдаёқ баҳорнинг ташвишини қилмади? Имкониятларни қидириб, кўк ўт ғамлашни ўйламади. Мана, бепарволик оқибати.

Шунинг учун ҳам соғилаётган 70 бош сигирдан бир кунда 230—240 килограммдан сут олинаяпти, холос. Бу ҳар бош сигирга 3,3—3,4 килограммдан маҳсулот тўғри келади, дегани.

Жонивор фойдали, витаминларга бой хушхўр емишни тўйиб ейдиган фаслда бу кўрсаткични қандай баҳолаш мумкин?! Устига-устак сигирларнинг ярмидан кўпи — 77 боши соғилмайди.

Кишини ниҳоятда ачинтирадиган томони шундаки, бу ерда айнан бизнинг иқлимга мослашган, Ўзбекистонда саноқли бўлган Бушуев зотли қорамоллар парваришланади. Ахир бу насл яратилгунга қадар неча ўн йиллар ўтган эди. Наҳотки, шунча меҳнат, изланиш икки-уч йилда йўққа чиқарилса? Хўжаликда тармоққа масъул кишилар бунинг уволидан қўрқишмайдими?

Ферма мудири Ашırбек Мавлонов асли касби асеменатор бўлса-да, насчилик ишларини ўз ҳолига ташлаб қўйган. Натижада бузоқ олиш камайган, 26 бош ғунажин қисир қолган. Шу кетишда чорва ривожланадими?

Ниҳоят, ферма кимошди савдосига қўйилибди. Хўп, бир тадбиркор уни олар, иложини топиб, қийинчиликларни енгса, чорвани тартибга келтирар. Аммо унгача қанча вақт ўтади. Деҳқончиликда хатони тузатишга бир йил, чорвага ўн йил керак деган гап бежиз айтилмаган. Чорвада битта молни йўқотиш осон,аммо унинг ўрнини тўлдириш жуда қийин.

Хуллас, муаммолар талайгина. Кетган сарф-харажатлар, йўқотилган моллар эса ундан ҳам кўп. Улардан хўжалик раҳбарлари, бошқа мутасаддилар фермани ким ошди савдосида сотиб кутулишмоқчи кўринади. Аммо уволи-чи? Уволига қолишдан қўрқишмайдими?!

*Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ,*
*«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.*

# ХЎЖАЛИКДА КИЧИК КОРХОНА

Қўшработ туманидаги Очил Қодиров номли ижара хўжалигида тери ошлайдиган кичик корхона ишга тушди. Унинг қуввати ҳафтасига уч минг дона қоракўл, 300 та қўй ва эчки терисига ишлов беришга етади. Йил давомида эса тумандаги бешта хўжалик ва у ерда истиқомат қиладиган аҳолининг барча турдаги териларини ошлаш мумкин бўлади. Айни пайтда кичик корхона тўла қувват билан ишлаб, у ерда 20 нафар киши меҳнат қилмоқда.

— Корхонани ишга тушириш учун икки миллион сўм сарфланди, — дейди ижара хўжалиги раҳбари Исомиддин Дўстмуродов. — Маблағни республика «Бизнес-фонд»и вилоят бўлими ажратди. Саноат корхонасини ишга туширишда район ҳокимлигининг ёрдами катта бўлди. Уни ишга туширишда иштирок этган тадбиркорлар ва ишчилар учун барча шарт-шароит яратилди. Шу боис у қисқа фурсатда бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Корхона тўла қувват билан ишласа, хўжаликка йилига ярим миллион сўм соф фойда келтиради.

Кейинчалик бу ерда мол терисини ошлашни йўлга қўйиш ҳам мўлжалланмоқда. Келгусида хўжаликда имкони бўлса барча чорва маҳсулотларини қайта ишлаш режалаштирилаяпти. Ҳозир жун титадиган кичик корхона қуриш устида иш олиб борилмоқда. Корхона учун эски омборнинг биноси ажратилди. Ҳозир зарур дастгоҳлар келтирилмоқда. Агар кичик саноат корхонаси ишга тушса, ҳар йили хўжаликда етиштириладиган 20 тонна жунни қайта ишлаб, калава ҳолига келтириш имконияти туғилади.

*Ҳ. КАРИМОВ.*

